

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

«Тасдиқлайман»

**СамДУ ректори
проф.Р.Халмурадов**



2021 йил

**ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ТЎГАРАГИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

САМАРҚАНД - 2021

ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ТЎГАРАГИ НИЗОМИ

1.Талабалар илмий тўгараги (бундан кейин ТИТ) – университет талабалари ва профессор – ўқитувчилари вакиллари ташаббуси билан ташкил этилган жамият (тузилма) бўлиб, ушбу низомда кўрсатилган умумий мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

2.ТИТ университет кафедралари қошида ташкил этилади ва ўқув йили давомида дарсдан ташқари вақтларда фаолият юритади. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор билан келишилган ҳолда кафедра қошида бир нечта ТИТ ташкил этилиши мумкин. Ўқув жараёни доирасида ўтказилган семинар, амалий ва бошқа машғулотлар ТИТ фаолиятига кирмайди.

3.ТИТ тасдиқланган иш режа асосида фаолият олиб боради. Режа ТИТнинг раҳбари ва кафедра мудирини томонидан тузилади ва факультет декани томонидан тасдиқланади. ТИТнинг ҳар бир йиғилиши алоҳида баённома билан расмийлаштирилади.

4.ТИТ фаолияти самарали бўлганда ва ўқув йили давомида камида 18 та (ҳар ойда икки марта) йиғилиш ташкил этган илмий раҳбарга, унинг шахсий иш режасига, тегишли соат инобатга олинади.

5.ТИТнинг самарали фаолият кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ТИТ аъзоларининг нашрлар миқдори;
- халқаро ва республика миқёсидаги танлов ва олимпиадаларга, конференцияларга, талабалар илмий тадқиқот ишлари танловларига қатнашиш учун ТИТ аъзолари томонидан тайёрланган илмий ишлар;
- ТИТ аъзолари томонидан халқаро ва республика миқёсида илмий тадқиқот ишлари бўйича қўлга киритган диплом, мукофот, фахрий ёрликлар;
- ТИТ аъзолари томонидан бажарилган стартап лойиҳа ва грантлар сони, уларда иштирок этувчи талаблар сони;
- ТИТ аъзолари томонидан илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиғи, олинган патент, муаллифлик гувоҳномалари, саноат намуналари ва ҳ.к.;
- ТИТ аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва атоқли шахслар номидаги давлат стипендияларини қўлга киритишлари.

6.ТИТ талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш мақсадида иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва билим соҳалари учун замонавий юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида ташкил этилади.

7.ТИТ фаолияти шакллари қуйидагилар киради:

- талабалар илмий маърузаларини тайёрлаш, улар билан ТИТ йиғилишларида, университет ва республика миқёсидаги илмий конференция ва форумларда иштирок этиш;
- талабаларнинг илмий мақола ва тезисларини турли даражадаги нашрга тайёрлаш;

- талабаларни илмий тадқиқот ишлари, фан олимпиадалари, илмий ва ўқув лойиҳа ва дастурларда фаол иштирок этишини ташкил этиш ва ҳ.к.

8. ТИТ таркибига қуйидагилар киради:

- ТИТнинг илмий раҳбари(кафедра ходими);
- ТИТнинг раиси(шу лавозимга сайланган талаба);
- ТИТнинг аъзолари (кўнгилли равишда аъзо бўлган талабалар).

9. ТИТ илмий раҳбарининг мажбуриятлари:

- Талабаларни ТИТ фаолиятига жалб этиш;
- ТИТ фаолияти ва унинг аъзоларига илмий раҳбарлик қилиш;
- ТИТ аъзоларини илмий характердаги тадбирларда иштирок этишини таъминлаш;
- ТИТ илмий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш;
- ТИТ йиғилиши баённомаларини юритиш, ТИТ аъзоларининг илмий нашрлари, мукофот ва фахрий ёрликларини ҳисобга олиб бориш;
- ТИТ фаолият тўғрисида раҳбариятга маълумотномалар тақдим этиш ва ҳ.к.

10.ТИТ илмий раҳбарининг ҳуқуқлари:

- Талабалар иштирок этиши мумкин бўлган илмий тадбирлар ҳақида маълумотлар олиш;
- ТИТ фаолиятига кафедра ўқитувчиларини жалб этиш;
- ТИТ доирасида иқтидорли талаба ва магистрантлар илмий – амалий конференцияси шўъбаларини ташкил этиш ва бошқаришда иштирок этиш;
- ТИТни университет ва унинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро алоқа ва муносабатларини ҳимоя қилиш ва ҳ.к.

11. ТИТ раиси мажбуриятлари:

- иқтидорли талабаларни ТИТ фаолиятига жалб қилиш;
- ТИТ аъзоларини илмий характердаги тадбирлар бўйича хабардор этиш;
- ТИТ мажлис(тадбир)ларини ташкил этиш;
- ТИТ баённомаларини олиб бориш.

12. ТИТ раиси ҳуқуқлари:

- талабалар иштирок этиши мумкин бўлган илмий характердаги тадбирлар тўғрисида маълумотлар олиш;
- талаба ва магистрантларнинг илмий-амалий конференцияларида ТИТ фаолият мавзусидаги шўъбаларда котиб сифатида бошқарув раҳбариятида иштирок этиш;
- ТИТни университетнинг таркибий тузилмалари ва талабалар илмий жамиятида тақдим этиш (ўзаро алоқа ва муносабатларини ҳимоя қилиш).

13.ТИТ аъзоларининг мажбуриятлари:

- ТИТнинг мажлисларида мунтазам қатнашиш ва унинг фаолиятида фаол иштирок этиш;
- ТИТ мажлисларида маъруза, илмий тадқиқот натижаларини олиб чиқиш ва ҳ.к.

14. ТИТ аъзоларининг ҳуқуқлари:

- ТИТ ва ТИЖ томонидан ташкил этилаётган илмий характердаги барча тадбирларда иштирок этиш;
- ўзлари қатнашиши мумкин бўлган барча илмий характердаги тадбирлар тўғрисида маълумотлар олиш;
- ўзининг хошишига кўра бир нечта ТИТ ишларига қатнашиши, бир ТИТдан бошқасига ўтиши;
- ТИТ илмий раҳбари ёки бошқа илмий раҳбар раҳбарлигида маъруза, чиқиш ва бошқа илмий тадқиқот ишлари тайёрлаш ва улар билан илмий характердаги тадбирларда иштирок этиш;
- ўзининг илмий фаолияти натижаларини мақола, тезис, маъруза шаклида турли даражадаги нашрларда чоп этиш;
- ўзларининг вакилларини факультет ва университет ТИЖ раҳбариятига тавсия этиш ва ҳ.к.